ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/2025.27.12. Gr.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВ АЛИШЕР ЗОКИРОВИЧ

АМУДАРЁ ГИДРОЛОГИК РЕЖИМИНИНГ ДАРЁ УЗУНЛИГИ ВА ВАҚТ БЎЙИЧА ЎЗГАРИШЛАРИНИ БАҲОЛАШ

11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2026

УДК: 556.5: 556.16 (575.1)

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on geographical sciences

Умаров Алишер Зокирович
Амударё гидрологик режимининг дарё узунлиги ва вақт бўйича ўзгаришларини баҳолаш 3

Умаров Алишер Зокирович
Оценка изменения гидрологического режима реки Амударья по её длине и во времени …….....21

Умаров Алишер Зокирович
Assessment of changes in the hydrological regime of the Amu Darya River along its length and over time .....….…….…..…….....….....39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …….....43

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/2025.27.12. Gr.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВ АЛИШЕР ЗОКИРОВИЧ

АМУДАРЁ ГИДРОЛОГИК РЕЖИМИНИНГ ДАРЁ УЗУНЛИГИ ВА ВАҚТ БЎЙИЧА ЎЗГАРИШЛАРИНИ БАҲОЛАШ

11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2026

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.3.PhD/Gr411 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nigmi.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Аденбаев Бахтиёр Ембергенович** география фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Чембарисов Элмир Исмаилович** география фанлари доктори, профессор
	Курбанбаев Сагит Ережепович техника фанлари бўйича фалсафа доктори
Етакчи ташкилот:	**Қорақалпоқ давлат университети**

Диссертация ҳимояси Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.18/2025.27.12. Gr.02.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил "8" октябрь соат 10^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: 71 235-85-12, факс: 71 237-13-19, E-mail: info@nigmi.uz).

Диссертация билан Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг Илмий-техникавий кутубхонасида танишиш мумкин (№ 241 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+998) 71 2358512, факс: (+998) 71 2371319, E-mail: info@nigmi.uz).

Диссертация автореферати 2026 йил 23 сентябрь куни тарқатилди.
(2026 йил 23 сентябрдаги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.М.Холматжанов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Б.Э.Нишонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., катта илмий ходим

Д.М.Турғунов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда, охирги ярим аср давомида кечаётган иқлим илиши жараёни натижасида, сув ресурслари тақчиллиги йилдан-йилга кучлироқ сезилмоқда. Бу ҳолат арид минтақаларда янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Шу сабабли, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор Тараққиёт Мақсадлари бўйича Бутунжаҳон ҳисоботида “Сув жамиятнинг барча соҳалари – озиқ-овқат, энергия, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар учун зарур. Ўтган аср давомида сув истеъмолининг ўсиш суръати аҳолининг ўсишига нисбатан икки баравар кўп бўлди”[1], деб таъкидланган. Ушбу муаммонинг ечимига эришиш мақсадида трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан самарали фойдаланишда уларнинг гидрологик режими ва сув билан таъминланганлигининг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олишни тақозо этади.

Жаҳонда трансчегаравий - бир нечта мамлакатлар ҳудудларидан оқиб ўтадиган дарёлар сув ресурсларидан ҳамкорликда самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан боғлиқ ҳолда, дарёлар гидрологик режими ва оқими миқдорларининг уларнинг узунлиги ва вақт давомидаги ўзгаришларини баҳолаш, бу жараёнга таъсир этувчи табиий ва антропоген омилларни аниқлаш, шунингдек, дарёлар оқимининг йил давомида ойлар бўйича ва мавсумий тақсимланиши ҳамда йиллараро тебранишини ифодаловчи гидрологик кўрсаткичларни объектив баҳолаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда маҳаллий ва трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан янада самарали фойдаланишни ташкил этиш, уларни самарали бошқариш тизимини такомиллаштириш, шу мақсадда сув хўжалиги объектлари ва ирригация тизимларини модернизация қилиш бўйича изчил ва кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда ва муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. “Ўзбекистон-2030” стратегиясининг III. “Сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” устувор йўналишида “Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш”[2] масаласи муҳим вазифа сифатида белгиланган. Ушбу йўналишда Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларининг сувга бўлган эҳтиёжлари асосий қисмини таъминлайдиган трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан мажмуали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030-йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6024-сон, 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон, 2024 йил 7 майдаги “Сув хўжалигида замонавий

[1] Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор Тараққиёт Мақсадлари бўйича Бутунжаҳон ҳисоботи, 2021 6-мақсад: Тоза сув ва санитария. https://unstats.un.org/sdgs/report/2021/The-Sustainable-Development-Goals-Report-2021_Russian.pdf

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ““Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғриси”ги ПФ – 158 – сон фармони. https://Lex.uz.

бошқарув тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш тўғрисида”ги ПФ-74-сон Фармонлари ҳамда 2023 йил 1 апрелдаги “Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-107-сон Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дарёлар гидрологик режимининг уларнинг узунликлари ва вақт бўйича ўзгаришларини баҳолаш масалаларига қаратилган тадқиқотлар G.Hutchinson, G.Harbeck, R.Jackson, R.Martin, J.Willis, H.Varlet, N.Thomas, W.Viessman, J.W.Knap, R.K.Linsley каби хорижлик олимлар томонидан амалга оширилган.

Ушбу масалалар собиқ Иттифоқ ва МДҲ мамлакатлари олимларидан Р.С.Деньгин, Г.В.Лопатин, К.Г.Лазарев, А.К.Проскуряков, М.М.Рогов, И.А.Шикломанов, Л.В.Дунин-Барковский каби тадқиқотчиларнинг ишларида кенг ёритилган.

Ўзбекистонда дарёлар гидрологик режимининг антропоген омиллар таъсирида ўзгаришини баҳолашга оид дастлабки тадқиқотлар В.Л.Шульц, Л.И.Шалатова, О.П.Щеглова, В.Е.Чуб, Ф.Э.Рубинова, Ю.Н.Иванов, А.М.Никитин, А.Р.Расулов, А.М.Духовний, З.С.Сирлибоева ва бошқалар томонидан амалга оширилган. Бугунги кунда мазкур масалага бағишланган тадқиқотлар орасида Н.Е.Горелкин, Е.М.Видинеева, Э.И.Чембарисов, Ф.Хикматов, Ф.Я.Артикова, Б.Е.Аденбаев, А.К.Курбаниязов, Р.Т.Хожамуратова кабиларнинг ишлари алоҳида ажралиб туради.

Юқорида номлари айтиб ўтилган олимларнинг тадқиқотларида ҳар бир тадқиқотчи муаммони маълум бир йўналишда ўрганган бўлиб, шу тадқиқот доирасига мос бўлган илмий-амалий хулосаларга келган. Таъкидлаш лозимки, уларда Амударё гидрологик режимининг антропоген омиллар таъсирида дарё узунлиги ва вақт бўйича ўзгаришлари ҳамда Қуйи Амударёнинг сув ресурслари билан таъминланиш даражасининг ҳозирги ва яқин келажакдаги эхтимолий ўзгаришларини баҳолаш масалалари кўриб чиқилмаган ва иш айнан шу жиҳатлари билан олдинги тадқиқотлардан фарқ қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф5-13 “Иқлим ўзгариши шароитида Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги дарёлар гидрологик режими ва сув ресурсларининг шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш” (2017-2020 йй.) мавзуидаги фундаментал ҳамда Uzb-Ind-2021-89 “Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг қурғоқчил ва ярим қурғоқчил

дарёлари ҳавзаларида сув тақчиллиги ҳамда қурғоқчиликка тўғонлар ва иқлим ўзгариши таъсирини баҳолаш” (2021-2023 йй.), Ўзбекистон-Германияя ҳамкорлигидаги FZ-2020110111-сонли “Ўзбекистонда иқлим ўзгариши, қайта тикланадиган энергия ресурслари ва аҳоли саломатлиги” (2023-2025 йй.) мавзуларидаги амалий тадқиқотлар лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Амударё гидрологик режимининг инсон омили таъсирида унинг узунлиги ва вақт бўйича ўзгаришларини ҳамда Қуйи Амударёнинг сув ресурслари билан таъминланиш даражасининг ҳозирги ва яқин келажакдаги ҳолатларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Амударёнинг гидрологик ўрганилганлигини ҳамда гидрографик тармоқлари ва сув режимидаги ўзгаришларини баҳолаш;

Амударё узунлиги бўйича XIX асрнинг иккинчи ярмида бажарилган илк инструментал сув ўлчаш ишлари маълумотларини умумлаштириш, баҳолаш ва уларни қиёсий солиштириш;

Амударёда XX асрнинг биринчи ярмида бажарилган сув ўлчаш ишларидаги узилишларни тиклаш ва уларни бир маъноли қаторларга келтириш;

Амударё оқими миқдорининг йирик гидротехник иншоотлар таъсирида, унинг узунлиги ва вақт бўйича ўзгаришларини баҳолаш;

Амударёдан унинг қуйи қисмидаги Қуйи Амударё ҳудудига турли ҳисоб даврларида етиб келган оқим миқдорлари динамикасини баҳолаш;

Қуйи Амударёнинг ҳозирги ва яқин келажакда кутилаётган сув ресурсларини баҳолаш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Амударё ва унинг узунлиги бўйича жойлашган Керки, Туямўйин, Қипчоқ, Чатли (Саманбой) ва Қизилжар гидрологик постларида ўлчанган оқим миқдорлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини Амударё дарёсининг гидрологик режими элементларининг дарё узунлиги ва вақт бўйича ўзгаришларини ҳамда дарёдан Қуйи Амударё ҳудудига етиб келган оқим миқдорлари динамикасини баҳолаш масалалари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда географик умумлаштириш, гидрологик ўхшашлик ва замонавий гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлаш усуллари қўлланилган. Хусусан, дарё оқимининг йиллараро тебраниши, ўзгарувчанлиги, йил давомида ойлар ва сув режими фазалари бўйича тақсимланиши ҳамда улар миқдорий кўрсаткичларининг турли ҳисоб даврларидаги ўзгаришларини баҳолашда математик статистика ва эҳтимоллар назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Амударёнинг табиий ва антропоген гидрографик тармоқлари ҳолати ретроспектив таҳлил қилинган ҳамда уларнинг морфометрик (L, км; h, м; B, м; ω, $м^2$) ва гидрологик (Q, $м^3/с$; W, $м^3$) кўрсаткичларига аниқлик киритилган;

Амударёда XIX асрнинг иккинчи ярмида илк бор амалга оширилган инструментал сув ўлчаш ишлари бўйича тўпланган маълумотларнинг

таҳлиллари асосида дарё оқимининг тарихий йиллик характерли миқдорлари ($Q_{мах}$, $Q_{ўрт}$, $Q_{мин}$, $W_{мах}$, $W_{ўрт}$, $W_{мин}$) аниқланган;

Амударёда XX асрнинг I ярмида бажарилган стационар гидрологик кузатишлар ва сув ўлчаш ишларидаги узилишлар регрессион таҳлил асосида тикланган ва дарё оқими маълумотлари 125 йиллик бир маъноли қаторларга келтирилган;

Амударё сув режими элементлари ва оқими миқдорларининг, турли йилларда амалга оширилган сув хўжалиги тадбирлари таъсирида, дарё узунлиги ва вақт бўйича ўзгаришлари баҳоланган;

Қуйи Амударёга ҳозирда етиб келаётган ва яқин келажакда кутилаётган эҳтимолий оқим миқдорлари, Қўштепа канали таъсирини ҳисобга олган ҳолда, баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Амударёнинг табиий ва антропоген гидрографик тармоқларига ретроспектив тавсиф берилган ва уларнинг гидрологик ўрганилганлиги баҳоланган;

Амударёда XIX асрнинг иккинчи ярмида илк бор инструментал усулда ўлчанган тарихий сув сарфлари таҳлил қилиниб, уларнинг характерли миқдорлари аниқланган;

дарёда сув сарфларини тиклаш услуби такомиллаштирилган ва Амударёнинг Керки гидропостида XX асрнинг биринчи ярмидаги ўртача ойлик ва йиллик сув сарфларидаги узилишлар аналог дарёлар маълумотлари ёрдамида тикланиб, улар 125 йиллик бир маъноли қаторларга келтирилган;

Амударё оқими миқдорининг дарё узунлиги ва вақт бўйича ўзгаришларига ҳамда йил давомида тақсимланишига сув омборлари ва йирик суғориш каналларининг таъсири баҳоланган;

Амударёдан унинг қуйи қисмига оқиб келган сув миқдорларининг камайиб бориш тенденциялари аниқланган ва Қуйи Амударёнинг XXI асрнинг I чорагида сув билан таъминланганлиги баҳоланган;

Қуйи Амударёнинг ҳозирги кундаги сув ресурслари ва уларнинг келажакда кутилаётган эҳтимолий ўзгаришлари баҳоланган ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари ва хулосаларининг ишончлилиги диссертация ишида Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги (Ўзгидромет) тармоқларида ягона усулда амалга оширилган стандарт гидрометеорологик ўлчашлар ва кузатишлар маълумотларидан бирламчи манба сифатида фойдаланилганлиги, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси маълумотлари билан тўлдирилганлиги, тўпланган маълумотларни бирламчи қайта ишлаш ва умумлаштиришда Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти (ГМИТИ) ҳамда бошқа илмий тадқиқот муассасаларида синовдан ўтган усулларнинг қўлланилганлиги, шунингдек, мазкур тадқиқот натижаларининг бошқа муаллифларнинг илгари

шу йўналишда олган маълумотлари билан мослиги ва уларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, унда олинган асосий илмий хулосалардан, хусусан, Амударё гидрологик режимининг дарё узунлиги ва вақт бўйича ўзгаришларини баҳолашда муаллиф томонидан қўлланилган илмий-назарий ёндашувлар ва усуллардан келажакда шу каби бошқа дарёлар сув режими элементлари ва оқими миқдорий кўрсаткичларининг ўзгаришларини тадқиқ этишда, шунингдек, умумий кузатиш йилларини, антропоген омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда, тегишли ҳисоб даврларига ажратиш усулларидан ҳамда мазкур жараёнлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда амалга ошириладиган гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлар усулларини такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятларининг мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишда муаллиф томонидан олинган натижалар ва уларнинг таҳлиллари асосида ишлаб чиқилган хулосалар, таклифлар ва тавсиялардан, шунингдек, уларга эришиш жараёнида қўлланилган ҳисоблаш усулларидан келажакда бошқа дарёлар гидрологик режими элементларининг уларнинг узунлиги ва вақт бўйича ўзгаришларини баҳолашда, сув омборлари, йирик ирригация каналларини эксплуатация қилиш самарадорлигини оширишга дарёларнинг қуйи оқимида жойлашган ҳудудларда сув таъминотини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқишда, ишда қўлланилган услубий ёндашувлар ва тадқиқот материалларининг эса республика олий таълим тизимининг гидрология, гидрометеорология соҳаларига тегишли йўналишлари ҳамда мутахассисликларида ўқув жараёни сифатини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Амударё гидрологик режими ва оқими миқдорларининг антропоген омиллар таъсирида унинг узунлиги ва вақт бўйича ўзгаришларини баҳолаш натижалари асосида:

Амударёнинг ҳозирги кунда шаклланган табиий ва антропоген гидрографик тармоқлари ҳолати баҳолаш натижалари ва уларнинг морфометрик ҳамда гидрологик кўрсаткичларининг аниқлик киритилган миқдорий қийматларидан Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Оролбўйи дельта бошқармасида ҳудуднинг гидрографик тавсифини охирги йилларга хос бўлган гидрологик кўрсаткичлар билан асослашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 19 январдаги № 03/09-3-20 - сон маълумотномаси). Натижада Оролбўйи ҳудудидаги, вазирлик тизимига қарашли, сув объектларининг гидрографик тавсифи янги морфометрик ҳамда гидрологик маълумотлар билан бойитилган;

Амударёда XIX асрнинг иккинчи ярмида илк бор амалга оширилган инструментал сув ўлчаш ишлари маълумотларидан Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Оролбўйи дельта бошқармасида

Қуйи Амударё оқимининг тарихий характерли миқдорларини белгилашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 19 январдаги № 03/09-3-20 - сон маълумотномаси). Натижада Қуйи Амударё ҳудудининг қайд этилган тарихий босқичларда сув билан таъминланганлик даражасини баҳолаш ҳамда уларни ҳозирги ҳолат билан солиштиришнинг қўшимча имкониятлари яратилган;

Амударёда XX асрнинг I ярмида амалга оширилган гидрологик кузатишлар ва ўлчаш ишларидаги узилишларни тиклаш ва дарё оқимини 125 йиллик бир маъноли узун гидрологик қаторга келтириш натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигида мазкур ҳисоб даври учун Амударё оқими ва унинг миқдорий ўзгаришларини баҳолашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2026 йил 9 февралдаги № 01-15/171 - сон маълумотномаси). Натижада, Амударё узунлиги бўйича жойлашган гидрологик постларда унинг оқими миқдорлари кўрсаткичларини аниқлаш ишончлилигини оширишнинг қўшимча имкониятлари яратилган;

Амударё сув режими элементлари ва оқими миқдорларининг дарёда турли йилларда амалга оширилган сув хўжалиги тадбирлари таъсирида унинг узунлиги ва вақт бўйича ўзгаришларини баҳолаш натижаларидан Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Оролбўйи дельта бошқармасида табиий ва антропоген келиб чиқишли сув объектлари барқарорлигини таъминлаш режаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 19 январдаги № 03/09-3-20-сон маълумотномаси). Натижада Қуйи Амударёдаги барча турдаги сув объектлари фаолиятини интеграциялашган ҳолатда бошқаришни ташкил этишнинг қўшимча имкониятлари яратилган;

Амударёдан унинг қуйи оқимига турли ҳисоб даврларида кириб келган оқим миқдорларини ва уларнинг келгусида кутилаётган эҳтимолий миқдорий ўзгаришларини баҳолаш натижаларидан Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Оролбўйи дельта бошқармасида, ҳудудда юзага келган сув тақчиллиги шароитида, мавжуд сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланишга қаратилган чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 19 январдаги № 03/09-3-20-сонли маълумотномаси). Натижада сув тақчиллиги юқори бўлган Оролбўйи ҳудудида мавжуд сув ресурсларидан иқтисодий тежамкорлик билан фойдаланишни ташкил этишнинг қўшимча имкониятлари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 10 та халқаро ва 1 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 9 та мақола, жумладан, 7 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзунинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги таъкидланиб, унинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги қайд этилган, ишнинг мақсади ва вазифалари белгиланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **биринчи боби "Амударё ҳавзаси табиий шароити ва дарё гидрологик режимининг ўзига хос хусусиятлари"** деб номланган. Мазкур бобда, дастлаб, Амударё ҳавзаси табиий шароитига, хусусан, ҳавзанинг географик ўрни, чегаралари, геологик тузилиши ва рельефи, иқлим шароити, тупроқ ва ўсимлик қопламига оқим ҳосил бўлиши нуқтаи назаридан тавсиф берилган. Сўнг, дарёнинг гидрологик ўрганилганлиги ретроспектив таҳлил қилинган. Бобнинг якунида эса Амударё гидрологик режимининг ўзига хос хусусиятлари, гидрологик адабиётларда келтирилган маълумотлардан фойдаланган ҳолда, ёритилган.


Диссертацияда Амударё ҳавзасининг табиий шароити ва гидрологик режими, дастлаб, М.Д.Столетов, А.И.Глуховский, Р.С.Деньгин, Ф.Б.Дорант, М.Н.Ермолаев, Г.В.Лопатин, К.Г.Лазарев, А.К.Проскуряков, М.М.Рогов, В.Л.Шульц, Л.И.Шалатова, О.П.Шеглова каби олимлар, сўнг Ф.Э.Рубинова, Э.И.Чембарисов, В.Е.Чуб А.Р.Расулов, Э.К.Курбанбаев, Ф.Ҳ.Ҳикматов, Б.Е.Аденбаев, Р.Г.Хожамуратова ва бошқалар томонидан ўрганилганлиги таъкидланган. Мазкур ишда Амударё оқимининг ҳосил бўлиши, дарё гидрологик режимининг шаклланиш масалаларини тадқиқ этишда юқорида номлари келтирилган олимларнинг фундаментал тадқиқотлари натижалари методологик асос сифатида қабул қилинган.

Амударёда илк инструментал сув ўлчаш ишлари 1873 йилда М.Д.Столетов экспедицияси томонидан амалга оширилган. Ушбу экспедиция қатнашчилари 1873-1879 йилларда Нукус, Тўрткўл ва Питняк шаҳарлари яқинида биринчи сув ўлчаш постларини ташкил этган. Кейинчалик Амударёда дала-тадқиқот ишлари А.И.Глуховский (1879-1884 йй.), Н.Н.Белявский (1885 й.), В.Батурин (1894 й.) томонидан амалга оширилган. Ниҳоят, 1910 йилга келиб, Туркистон Ер ҳолатини яхшилаш бўлимининг Гидрометрик қисми томонидан Амударё сув режимини стационар кузатиш ишлари Чатли гидрологик постида бошланган. Шундан сўнг, Н.Бенселевич (1913 й.),

В.Синзерлинг (1913-1917 йй.) Амударёнинг Жумуртоғ, Қипчоқ, Тахиатош яқинидаги қисмларида ўзан жараёнлари ва ўзан оқими динамикасини ўрганишган.

XX асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб, Амударёда гидрологик постлар ва уларда амалга оширилган кузатиш турлари сони ҳам ортиб борган.

Гидрологик постларнинг сони 1951-1955 йилларда энг чўққисига (21 та) етган. Уларнинг барчасида сув сатҳи, 6 тасида сув сарфи, лойқалик ва муаллақ оқизиқлар сарфи ўлчанган. Шунингдек, 14 тасида сувнинг ҳарорати, музлаш ҳодисалари, 5 тасида эса сувнинг кимёвий таркиби ўрганилган (1-расм).




1-расм Амударёда сув сатҳи ва сув сарфини ўлчайдиган гидрологик постлар сонининг беш йилликлар бўйича ўзгариши

Мазкур тенденция 1990 -йилларгача давом этган. Лекин, 1990-йиллардан бошлаб, гидрологик постлар ва уларда бажарилган кузатишлар турлари сони камайиб борган (1-расм).

Диссертациянинг **иккинчи боби "Амударё ўрта қисми оқими миқдорлари динамикасини турли ҳисоб даврлари учун баҳолаш"** деб номланган. Мазкур бобда, дастлаб, Амударёда XIX асрнинг иккинчи ярмида бажарилган илк инструментал гидрологик кузатишларда ўлчанган оқим миқдорлари қиёсий баҳоланган. Сўнг, Керки гидрологик постида XX асрнинг биринчи ва иккинчи чоракларида бажарилган сув ўлчаш ишларидаги узилишлар аналог дарёлар ёрдамида тикланган. Бобнинг якунида эса мазкур гидропостда ўлчанган оқим миқдорларининг XX асрдаги ва XXI асрнинг биринчи чорагидаги ўзгаришлари чорак асрлар қирқимида, сўнг беш йиллик ҳисоб даврлари бўйича баҳоланган.

Тадқиқотда Амударё узунлиги бўйича жойлашган Чоржўй (М.Н.Ермолаев маълумотлари) ва Чатли (Г.В.Лопатини маълумотлари) гидрологик постларида 1887-1901 йиллар давомида ўлчанган ўртача йиллик сув сарфлари ўзаро солиштирилган. Уларнинг йиллараро тебранишларида ўзаро мослик мавжудлиги аниқланган (2-расм).




2-расм Амударёнинг Чоржўй ва Чатли гидрологик постларида ўлчанган ўртача йиллик сув сарфларининг йиллараро тебранишлари

Изоҳ: Чоржўй: М.Н. Ермолаев маълумотлари; Чатли: Г.В.Лопатин маълумотлари.

Амударёнинг Керки гидрологик постида XX асрнинг I (1900-1925 йй.) ва II (1926-1950 йй.) чоракларида ўлчанган сув сарфларидаги узилишлар аналог дарёлар ёрдамида тикланган. Ўтказилган корреляцион таҳлиллар натижасида аналог сифатида Сирдарё (Бекабод гидропости) танлаб олинган.

Амударёнинг Керки ҳамда Сирдарёнинг Бекобод гидрологик постларида ўлчанган ўртача ойлик ва йиллик сув сарфлари орасидаги боғланишлар статистик баҳоланган. Ўртача ойлик сув сарфлари орасидаги боғланишлар жуфт корреляция коэффициентларининг қийматлари $r \pm \sigma_r = 0{,}673 \pm 0{,}066$ (январь) $r \pm \sigma_r = 0{,}902 \pm 0{,}042$ (июнь) оралиқларда ўзгарган. Ўртача йиллик сув сарфларининг жуфт корреляция коэффициенти эса $r \pm \sigma_r = 0{,}926 \pm 0{,}039$ қийматга тенг бўлган.




3-расм. Амударё (Керки) ва Сирдарё (Бекобод) оқимлари модул коэффициентлари (K_i) нинг йиллараро тебранишлари

Ушбу ижобий натижалар Керки гидрологик постидаги ойлик ва йиллик сув сарфлари узилишларини тиклаш имконини берган. Натижада Амударёнинг Керки гидрологик постида ўлчанган сув сарфлари маълумотлари, дастлаб, XX асрнинг I чораги (1900-1925 йй.), сўнг II чораги (1926-1950 йй.) учун тўлиқ қаторларга келтирилган. Ҳар икки қаторларнинг ўртача йиллик сув сарфлари асосида оқимнинг модул коэффициенти (Ki)

ҳисобланган ва уларнинг йиллараро тебранишлари таҳлил қилинган (3-расм).

Амударёнинг Керки гидрологик постида XX асрнинг I чорагида максимал сув сарфи 2917 м^3/с (1921 й.), ўртача кўп йиллик сув сарфи 2126 м^3/с ва минимал сув сарфи эса 1528 м^3/с га (1917 й.) тенг бўлган. Асрнинг II чорагида эса максимал сув сарфи 2395 м^3/с (1934 й.), ўртача кўп йиллик сув сарфи 1979 м^3/с ва минимал сув сарфи эса 1730 м^3/с (1927 й.) ни ташкил этган. Бекобод гидрологик постида ҳам XX асрнинг ҳар икки чорагида ўртача йиллик сув сарфларининг экстремал қийматлари айнан шу йилларга тўғри келган.

Тадқиқотнинг навбатдаги босқичида Амударёниг Керки гидрологик постида XX асрнинг 2-ярмида ва XXI асрнинг I чорагида ўлчанган сув сарфларидаги узилишлар юқорида баён этилган ёндашувлар асосида тикланган. Натижада мазкур постдаги ўртача йиллик сув сарфи маълумотлари 1900-2024 йилларни қамраб олган 125 йиллик узун қаторга келтирилган. Ушбу гидрологик қаторни ташкил этган ўртача йиллик сув сарфларининг йиллараро тебранишлари таҳлил қилинган (4-расм).




4-расм. Амударё (Керки) ўртача йиллик сув сарфларининг йиллараро тебраниши (1900-2024 йй.)

XX асрнинг III чорагида (1951-1975 йй.) Қорақум ва Қарши магистрал каналлари қурилиб, фойдаланишга топширилган. Шу йилларда уларга Амударёдан олинган сув ҳажми йилдан-йилга ортиб борган. Натижада, Керки яқинида Амударёнинг шу чоракдаги ўртача кўп йиллик сув сарфи меъёр (1960 м^3/с) га нисбатан камайиб, 1847 м^3/с ни ташкил этган. Мазкур чоракнинг 1969 йилида Амударёда энг катта ўртача йиллик сув сарфи (2930 м^3/с) ҳам ушбу камайишни тўлдира олмаган. Бу чоракда энг кичик ўртача йиллик сув сарфи (1020 м^3/с) 1974 йилда кузатилган. Ўртача кўп йиллик сув сарфлари XX асрнинг кейинги IV ва XXI асрнинг I чорагида ҳам мос равишда, 1426 м^3/с ва 1268 м^3/с гача камайган.

Амударё ўртача йиллик сув сарфларининг Керки гидрологик постида ўлчанган 125 йиллик маълумотлари асосида, юқорида ажратилган ҳар бир чорак учун характерли оқим ҳажмлари ҳисобланган (5-расм).

XX арнинг III чораги (1951-1975 йй.) да Амударё йиллик оқим миқдори максимал қиймати (92,4 км^3) нинг қолган барча ҳисоб даврлардагига нисбатан катта бўлганлиги аниқланган. Бунинг асосий сабаби, шу чоракдаги 1969 йилнинг

аномал кўп сувли (2930 м^3/с) бўлганлиги билан изоҳланган.




5-расм. Амударё (Керки) оқим ҳажмлари характерли миқдорларининг 25 йиллик ҳисоб даврларидаги ўзгаришлари

Оқим ҳажмининг минимал миқдори XXI асрнинг I чорагида қайд этилган бўлиб, унинг миқдори 21,1 км^3 ни (2008 й.) ташкил этган ўтган XX асрнинг III чорагидан бошлаб, кейинги ҳар икки чоракда Амударёда характерли оқим миқдорларининг камайиш тенденциялари бир хил ва сезиларли бўлган (5-расм).

Диссертациянинг **учинчи боби "Амударё гидрологик режими элементларининг дарё узунлиги ва вақт бўйича ўзгаришларини миқдорий баҳолаш"** деб номланган. Мазкур бобда дастлаб, Амударёдан унинг қуйи оқимига турли ҳисоб даврларида оқиб келган сув миқдори баҳоланган. Сўнг, Амударё оқимининг антропоген омиллар таъсирида дарё узунлиги ва вақт бўйича ўзгаришлари аниқланган. Бобнинг якунида эса Қуйи Амударё сув ресурсларининг ҳозирги ҳолати, келажакда мумкин бўлган ўзгаришлари ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари ёритилган.

Қуйи Амударёга етиб келган оқим миқдори динамикасини баҳолаш мақсадида, Туямўйин гидрологик постида ўлчанган сув сарфи маълумотлари қуйидаги учта ҳисоб даврларига ажратилган: I. Табиий сув режимли давр (1930-1955 йй.); II. Сув хўжалиги таъсири кучая бошланган давр (1956-1990 йй.); III. Антропоген омил таъсири янада кучайган давр (1991-2024 йй.). Ушбу ҳисоб даврлари, Амударёда йирик сув хўжалиги иншоотларини эксплутацияга топшириш муддатларини ҳисобга олган ҳолда, дарё оқимининг йиллараро тебраниш графигининг таҳлиллари асосида ажратилган (6-расм).

Табиий сув режимли даврда (1930-1955 йй.) Амударёнинг Туямўйиндаги ўртача кўп йиллик сув сарфи 1907 м^3/с га тенг бўлган. Бу миқдор 1948 йилдаги ўртача йиллик сув сарфига яқиндир. Шу йиллар мобайнида дарёда энг катта ўртача йиллик сув сарфи (2360 м^3/с) 1953 йилда, энг кичик ўртача йиллик сув сарфи (1550 м^3/с) эса 1940 йилда кузатилган. Диссертацияда қолган икки ҳисоб даври учун ҳам Қуйи Амударёга етиб келган ўртача йиллик сув сарфларининг характерли миқдорлари аниқланган.



6-расм. Амударё оқимининг турли ҳисоб даврларида йилларараро тебраниши (Туямўйин ГП)

Ҳар бир ҳисоб даври учун аниқланган ўртача кўп йиллик сув сарфлари асосида Қуйи Амударёга турли ҳисоб даврларида кириб келган оқим ҳажмлари баҳоланган: I ҳисоб даврида унинг миқдори 60,1 км^3 ни, II ҳисоб даврида унга нисбатан 31% (1,45 марта) камайиб, 41,4 км^3 ни, ташкил этган. Амударёдан Туямўйингача етиб келган оқим миқдори III ҳисоб даврида I ҳисоб даврига нисбатан 60,9% (2,56 марта) камайиб, 23,5 км^3 га тенг бўлган.

Амударё оқими миқдорларининг дарё узунлиги бўйича ўзгаришлари баҳоланган. Шу мақсадда дарё узунлиги бўйича унинг ўрта оқимида жойлашган Керки, қуйи оқимдаги Туямўйин, Қипчоқ, Саманбой ва Қизилжар гидрологик постлари маълумотларидан фойдаланилган. Ҳисоб даврларидаги ўртача кўп йиллик сув сарфлари ва оқим ҳажмлари ҳар бир постда аниқланиб, уларнинг камайиш тенденциялари ҳамда экстремал оқим ҳажмларининг ўзгариш амплитудалари баҳоланган (1-жадвал).

Таҳлиллар барча ҳисоб даврларида Амударё ўртача кўп йиллик характерли оқим миқдорларининг дарё узунлиги бўйича камайиб борганлигини кўрсатган. Хусусан, дарёнинг қуйи оқимидаги гидрологик постларда оқим миқдорининг Туямўйинда, Керкига нисбатан, камайиши I ҳисоб даврида 6% ни, II ҳисоб даврида 17% ни ва III ҳисоб даврида 45% ни ташкил этган. Шу каби миқдорий ўзгаришлар Туямўйиндан 235 км қуйида жойлашган Чатли гидрологик постида янада катта қийматларда қайд этилган. I ҳисоб даврида Чатлигача Керкида ўлчанган оқим миқдорининг 74%и, иккинчи ҳисоб даврида 45%и, ва учинчи ҳисоб даврида эса 13% игина етиб борган (1-жадвал).


Турли ҳисоб даврларида Амударё узунлиги бўйича энг қуйида жойлашган Қизилжарда эса оқим миқдорларининг юқори пост – Керкига нисбатан камайиши янада катта бўлган. Хусусан, II ҳисоб даврида Қизилжаргача етиб келган оқим миқдори Керкидагининг 40%ини, III ҳисоб даврида эса атиги 12% ини ташкил этган (1-жадвал).

1-жадвал

Амударё характерли оқим миқдорларининг
турли ҳисоб даврларида дарё узунлиги бўйича ўзгаришлари

Гидрологик постлар	Ўртача кўп йиллик оқим			Экстремал оқим миқдорлари ва кузатилган йил						Ўзгариш амплитудаси	
	Q, $м^3/с$	W, $км^3$	%	$Q_{мах}$	$W_{мах}$	йил	$Q_{мин}$	$W_{мин}$	йил	ΔQ, $м^3/с$	ΔW, $км^3$
I. Табиий сув режимли давр (1930-1955 йй.)											
Керки	2021	63,7	100	2480	78,2	1953	1760	55,5	1955	720	22,7
Туямўйин	1907	60,1	94	2360	74,4	1953	1550	48,8	1940	810	25,5
Чатли	1511	47,6	74	2040	64,3	1953	1060	33,4	1951	980	30,9
II. Сув хўжалиги таъсири кучая бошланган давр (1956-1990 йй.)											
Керки	1570	49,5	100	2930	92,4	1969	974	30,7	1989	1956	61,6
Туямўйин	1313	41,4	83	2655	83,7	1969	531	16,7	1986	2124	66,9
Чатли	704	22,2	45	2240	70,6	1969	15	0,47	1986	2225	70,2
Қизилжар	631	19,9	40	1760	55,5	1969	14	0,44	1986	1746	55,1
III. Антропоген омил таъсири янада кучайган давр (1991-2024 йй.)											
Керки	1348	42,5	100	1985	62,6	1992	670	21,1	2008	1315	41,4
Туямўйин	746	23,5	55	1640	51,7	1992	298	9,4	2001	1342	42,3
Қипчоқ	509	16,1	37	1180	37,2	1992	145	4,6	2001	1035	32,6
Саманбой	176	5,5	13	765	24,1	1992	3	0,09	2001	762	24,0
Қизилжар	168	5,2	12	672	21,2	1992	3	0,09	2001	669	21,1

Амударё гидрологик режимининг антропоген омиллар таъсирида вақт бўйича ўзгаришлари, нафақат оқим миқдорларида, балки сув режими фазаларининг ўзгаришларида ҳам акс этган. Масалан, Қорақум (1956 й.) ва Қарши (1965 й.) магистрал каналларининг Амударё сув режимига таъсири Керки гидрологик постининг 1953 ва 1976 йилларга тегишли кундалик сув сарфлари маълумотлари асосида чизилган гидрографларда яққол кўрсатилган (7-расм).



7-расм. Амударё (Керки)нинг табиий сув режимли (1953 й.) ва ирригация каналлари таъсири шароитидаги (1976 й) гидрографлари

Йирик сув иншоотлари - каналлар ва Туямўйин сув омборининг Амударёнинг характерли оқим миқдорларига таъсири Керки ва Туямўйин гидропостлари маълумотларини ўзаро солиштириш асосида ўрганилган (2-жадвал).

2-жадвал

Амударёнинг ўрта (Керки) ва қуйи (Туямўйин) оқимларида кунлик оқим миқдорлари характерли қийматларининг ўзгаришлари

Т.р.	Гидрологик постлар	Йиллар	Ўртача йиллик сув сарфи ва оқим ҳажми $\frac{Q, м^3/с}{W, км^3}$	Кунлик оқим миқдорларининг экстремал қийматлари ва кузатилган саналари		Ўзгариш амплитудаси, $\frac{\Delta Q}{\Delta W}$
				мах	мин	
1	Керки	1953	$\frac{2480}{78,2}$	$\frac{7970^1}{688,6^2}$ 13.07^3	$\frac{756}{65,3}$ 26.01	$\frac{7214}{623,3}$
2	Керки	1976	$\frac{1319}{41,6}$	$\frac{4360}{376,7}$ 2.08	$\frac{388}{33,5}$ 13.02	$\frac{3972}{343,2}$
3	Туямўйин	1965	$\frac{1311}{41,3}$	$\frac{5390}{465,7}$ 23.07	$\frac{480}{41,4}$ 10.02	$\frac{4910}{424,3}$
4	Туямўйин	1986	$\frac{535}{16,8}$	$\frac{1840}{158,9}$ 11.07	$\frac{61,2}{5,2}$ 10.02	$\frac{1778,8}{153,7}$
5	Туямўйин	2022	$\frac{410}{12,9}$	$\frac{904}{78,1}$ 11.07	$\frac{81}{6,9}$ 04.01	$\frac{823}{71,2}$

Изоҳ: 1 – ўртача кунлик сув сарфи, $м^3/с$; 2 – кунлик оқим ҳажми, $10^6 м^3$; 3 – кузатилган сана.

